


ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР

1/2013



Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ

“MUNOZARA” XUSUSIDA MUNOZARA



жуда катта жанжални юзага чиқарди. Фитрат ана шу мактаб билан боғлиқ можаролар таъсирида яратган “Мунозара” асарида мусулмон дунёси янги усул мактабидан шариатта мувофиқ фойдаланиши мумкинлигини исботлаб берди (Қосимов Бегали. Аллома адиб. // Фитрат. Чин севги. Шеърлар, драмалар, мақолалар. Тошкент, F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 6-7-бетлар). Ушбу асарнинг босилиб чиқиши туфайли Бухорода янги усул мактаблари қайта очилди ва улардан мулла-мударрислар тавқи лаънати олиб ташланди (Раҳимова Г. “Мунозара” – “уйғониш даракчиси”. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1989 йил 52-сон).

Фитрат XX аср бошларидаёқ шеърый асарлари билан бирмунча танилган эди. Неъматулла Муҳтарам 1903-1904 йилларда тузган тазкирасида Фитрат ижодидан ҳам бир неча намуна келтирган (Неъматулла Муҳтарам. Тазкират уш-шуаро. Душанбе, 1975, 319-бет). Худди шу даврда Фитрат ҳаж сафарига борган ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган эди. Унинг маърифий дунёқараши ана шу кезларда кескин ўзгариб, камолга етганини айтиш мумкин.

Деярли барча тадқиқотчилар Фитрат ижоди Туркияда ўқиб юрган йилларида бошланган дея таъкидлайди. Бироқ адиб ҳаётининг бу даври етарлича ўрганилган эмас. Айрим масалаларда ҳамон баҳслар давом этмоқда.

Маълумки, Фитрат ўқиш учун Туркияга 1910 йил баҳорда (ҳижрий 1328 йилда) Эрон орқали кетади (Садриддин Айний. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе, “Адиб”, 1987,

XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти қиёфасини белгилади, шунингдек, ушбу соҳаларда жонбозлик кўрсатган кўплаб фидойи намояндаларни ҳам майдонга чиқарди. Улар орасида бухоролик Абдурауф Фитрат алоҳида ўрин тутади. Зеро, Садриддин Айний таъбири билан айтганда, Фитратнинг биргина “Мунозара” асари давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди (Садриддин Айний. Намунаи адабиёти тожик. Москва, Чопхонаи нашриёти марказийи халқ иттиҳоди жамоҳири шуравийи сусиёлисти, 1926, 533-бет).

XIX асрнинг сўнги чорагида Қримда дунёга келган “усули жадид” мактаблари Русия салтанатининг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларида кенг ёйиша бошлади. Аммо Туркистон ўлкасида бу усулдаги мактаблар уларни динга хилоф дея даъво қилган аҳли уламо қаршилигига дуч келди. Айниқса, бундай қаршилик Бухорода очилган мактаб атрофида

83, 101-бетлар. Китобнинг 83-бетига сана 1911 йил деб кўрсатилган. Бу нашр хатоси бўлса керак; *Togan A. Zeki Velidi. Bugunku türkili Türkistan ve yakin tarihi. Cilt 1. Istanbul, 1942-1947, s.354*). Буни Фитратнинг ўзи ҳам тасдиқлайди. У асарларидан бирида 1910 йил бошларида Бухорода рўй берган сунний ва шиа кўзголови вақтида шаҳарда бўлганини ёзади (*Фитрат. Давраи ҳукмронийи Амир Олимхон. Душанбе, Палатаи давлатийи китобҳо, 1991, 19-20-бетлар*).

Фитратнинг дастлабки йирик асари бўлган "Мунозара" ҳижрий 1327 йили, муаллиф моддий қийин аҳволда бўлишига қарамай, Истанбулда нашр этилади ва кейинчалик Бухорога олиб келинади. Ҳижрий 1327 йил милодий 1909 йилнинг 23 январи – 1910 йилнинг 12 январи оралиғига тўғри келади. Шундай бўлса-да, айрим тадқиқотчилар "Мунозара" милодий 1911 йилда нашр этилганини айтиб, шу асосда Фитрат ижоди Туркияда бошланганини исботлашга ҳаракат қилади. Ҳисао Коматсу "Мунозара" дастлаб 1911 йили Истанбулда форсча, сўнгра Тошкентда ўзбекча ва русча нашр этганини ёзади (*Komatsu Hisao. 20. Yuzyil Başlarında Orta Asya'da Türkcülük ve Devrim Hareketleri. Ankara, 1993, s.5*). Америкалик фитратшунос Эдвард Алворт ҳам, Коматсунинг фикрига таянган ҳолда, "Мунозара" 1911 йил нашр этилган, деб қайд этади (*Allworth, Edward A. The Preoccupations of 'Abdurauf Fitrat, Bukharan Nonconformist: An Analysis and List of His Writings. Anor, #7. Berlin, p.18*). У Фитрат ижодини даврлаштиришга оид тадқиқотида айтиш мумкин, шу қарашни асос қилиб олади. Бундай фикр айрим ўзбек тадқиқотчилари асарларида ҳам учрайди.

Маълумки, бухоролик ёшлар ташкил этган биринчи "усули жаҳид" мактаби ва унинг атрофидаги жанжал-тортишувлар "Мунозара"нинг асосий мазмунини ташкил этади.

Келинг, аввало бу мактаб тарихига қисқача назар ташлайлик. Мактаб 1908 йил 5 октябрда Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳомидхўжа Меҳрий ва Аҳмадҷон маҳдум Ҳамид (бу иккиси Айнийнинг мадрасадosh дўстлари эди) тарафидан Абдулвоҳид Мунзим ҳовлисида очилади. Орадан деярли бир йил ўтиб, яъни 1909 йил 6 сентябрь куни мактабда тантанали очиқ имтиҳон ўтказилади. Бухорода жаҳид мактабларини тақиқлашга сабаб бўлган воқеалар айтиш мумкин шу куни содир этилади.

Шу асосда Фитрат "Мунозара"ни айнан Бухорода, 1909 йил сентябр-октябрь ойларида, мактаб юзасидан жанжал авж олиб, унда мутаассиб уламолар ютиб чиққанидан кейин ёзиб тугаллаган, деб айтиш мумкин. Фитрат бу ҳақда орадан 20 йил ўтиб ёзган бир мақоласида куйидагича эслади: "1908 йилда (Фитрат бу ўринда йилни янглиш кўрсатган, аслида асарнинг ёзилишига сабаб бўлган воқеалар 1909 йили юз берган эди. Юқорида бу ҳақда таъкидланди – А.З.) ёзганим бир асаримда Бухоро амирига қаратилган бир хатим бор... (бу хат "Мунозара"нинг сўнгида илова қилинган – А.З.) Лекин 8-йилда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассуб ва шунга таянган идора усули (учун)... ҳибс қилиш, ўлдириш, сангсор (тошбўрон – А.З.) қилиш кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишнинг ўзи "кофирлик" эди. Мен шу вақтларда биринчи асаримни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўп расмий идораларни танқид қилдим". Муаллифнинг бу сўзлари ҳам "Мунозара" айнан Бухорода ёзилганини тасдиқлайди.

Тўғри, Ҳ.Коматсу таъкидлаганидек, Фитрат "Мунозара"да Бухоро амири Абдулаҳадни бир ўринда "марҳум" деб тилга олади (*Komatsu Hisao. 20. Yuzyil Başlarında..., 7-бет*). Фитрат Туркияга йўл олар экан, моддий тарафдан анча қийналган ва сафари давомида пул топиш учун айрим жойларда ишлашга ҳам мажбур бўлган. Бундан ташқари, у Истанбулдаги вақтида ҳам укаси Абдураҳмондан моддий ёрдам олиб турган (*Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жаҳидчилик: илмий-танқидий мақолалар. Т., 2007, 18-бет*). Эҳтимол, шу сабабдан 1909 йилда ёзиб тугалланган "Мунозара"ни муаллиф моддий қийинчилик билан бўлса-да 1911 йили нашр эта олган. Табиийки, Фитрат бу вақт оралиғида асарни қайта кўриб чиққан ва айрим ўзгартиришлар ҳам киритган.

Мазкур асар Истанбулда чоп этилганига бир неча омил сабаб бўлган. Китобда илмий руҳнинг кучлилиги, Бухоро ҳукумати ва уламолари қаттиқ танқид қилингани уни Туркистон ёки Кавказда чоп этишга имкон бермас эди. Цензура бунга йўл қўймаслиги аниқ эди. Садриддин Айнийнинг ёзишича, Фитрат бу даврда мумтоз адабиёт ва диний илмлардан ташқари янги адабиёт таъсирида фикри анча ўсган, атроф мамлакатларга саёҳат қилиб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардан ва

Бухоронинг ҳақиқий аҳволидан яхши хабардор бўлган. Демак, у Туркияга кетмасидан олдин сиёсий ва ижтимоий қарашлари анча етилиб қолган эди. Туркияда у бу қарашларини янада чуқурлаштирди ва кенгайттирди. "Мунозара"нинг мазмуни ҳам бу фикрларни тасдиқлайди.

"Мунозара" Ҳожи Муин (1883-1942) тарафидан ўзбекчага таржима қилиниб, олдин "Туркистон вилояти газети"нинг 1912 йилги сонларида эълон этилади, сўнгра 1913 йили Тошкентда китобча ҳолида босилиб чиқади. Бу таржимада муаллифнинг асосий испомий фикрлари ҳамда Русия ва Бухоро ҳукуматлари танқиди деярли олиб ташланиб, улар ўрнига чоризм сиёсатига мос баъзи фикрлар киритилган. Шу сабабдан бўлса керак, Н.Остроумов газетада таржимани босишга рухсат берган. Фикримиз тасдиғи сифатида Ҳожи Муин тарафидан "Мунозара" таржимасига киритилган бир ўзгаришни кўрсатиб ўтамиз. Ҳожи Муин Абдурашид Иброҳимов (Абдурашид Иброҳимов (1857-1944) – диний уламо, публицист, ношир. Петербургда чиққан "Миръот" (1900-1908) альманахи ва "Улфат" (1906-1907) газетасининг муҳаррири. Русия мусулмонлари съезди ва сиёсий тузулмаси ташкилотчиларидан бири – З.А.) ва Японияда испомнинг ёйилишига оид фикрлар ўрнига (Фитрат. *Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. // Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд..., 55-бет*) буюк рус ёзувчиси Лев Толстой ва унинг асарларидаги инсонпарварлик, халққа беминнат хизмат қилиш ғояларига доир мулоҳазаларни киритган.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш зарур. Бу Истанбулда 1909 йил октябрида ташкил топган "Бухоро таъмили маориф жамияти хайрияси" масаласидир. 1910 йили Фитрат ва яна бир неча Бухоро ёшларининг Туркияга бориб ўқишини Бухорода тузилган "Ширкати Бухоройи шариф" ёки "Тарбияи атфол" эмас, айна Истанбулда ташкил топган юқоридаги жамият таъминлайди. Баъзи манбаларда Истанбул жамияти хайрияси Бухородаги "Тарбияи атфол" жамиятининг шубҳаси сифатида очилгани айтилади (Togan, A. Zeki Velidi. *Bugunku turkili..., s.354; Kocaoplu, Timur (ed.). The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924). SOTA, Haarlem 2001,*

s.20). Аксинча, "Тарбияи атфол" Истанбул жамияти хайриясининг бўлими сифатида ташкил этилган. Чунки бу жамият ҳижрий 1328 йилнинг 28 зулқаъда куни (1910 йилнинг 1 декабрида) иш бошлаган (Садриддин Айний. *Таърихи инқилоби... 97-бет*) ва Туркияга кейинги йилларда талаба юбориш билан шуғулланган (юқоридаги асар, 100-бет).

Истанбул жамияти хайрияси ташкилотчилари кимлар эди? 1327 ҳижрий 1 рабиъ ал-аввал куни (1909 йил 23 март) ташкил этилган "Ширкати Бухоройи шариф" бу шаҳарда "усули жадид" мактабларини кўпайтириш, ўқитиш усулларини яхшилаш, дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Ҳомидхўжа Мухрий билан Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлини Боқчасарой ва Истанбулга юборди. Улар баъзи тадқиқотчилар ёзганидек, Туркияда 2 йил (*Kocaoplu, Timur (ed.). The Reform Movements..., s.20*) қолиб кетмади, балки 3 ойгина саёҳатда бўлиб Бухорога қайтди (Садриддин Айний. *Таърихи инқилоби... 40-41-бетлар*). Эҳтимол бу икки шахс Туркияда бўлган вақтида у ерда истиқомат қилаётган туркистонликлар ёки Истанбулдаги баъзи жамиятлар билан бу мамлакатга талаба юбориш масаласини музокара қилгандир. Усмонхўжа Фитратдан бир оз эртароқ (юқоридаги асар, 83-бет), яъни 1910 йил январь-февраль ойларида Туркияга бир неча киши билан иккинчи бор, энди талаба сифатида сафар қилди. Истанбул жамияти нашр этган низомномада (*Бухоро таъмили маориф жамияти хайриясининг низомнома ва хатти-ҳаракатидир. Таърихи таъсиси 11 шаввол 1327. Маркази: Дори Саодат Вазирхон. Матин матбасинда таъъинишидир, 1327*) ҳам унинг таъсисчилари кўрсатилмаган. Бу ҳолатдан ўз вақтида Исмоил Гаспринский ҳам таажжуб қилган эди. И.Гаспринскийнинг ёзишича, бу жамиятни Истанбулда муқим яшаётган мовароуннаҳрликлар ва бухороликлар таъсис этган (*Истанбулда Бухоро жамияти хайрияси. // "Таржуман" газетаси, 1909 йил 52-сон*).

Қисқача хулоса қилиб айтсак, Фитратда янги дунёқарашнинг шаклланиши, айниқса, ижодининг бошланиши Истанбулда эмас, ватани Бухорода содир бўлди. Истанбул жамияти хайриясининг таъсис мажлисида Бухородан борган Усмонхўжа, Фитрат ва бошқа талабалар иштирок этмаган. Бинобарин, унинг ташкилотчиларини аниқлаш кейинги тадқиқотлар мавзусидир.